

ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИ НОМЛАНИШИДАГИ ОНОМАСТИК ҚОНУНИЯТЛАРНИНГ МОТИВАЦИОН ЖИХАТЛАРИ

Ҳамидова Нигора Уриновна

*Навоий давлат кончилиқ ва
технологиялар университети*

Аннотация: Мақолада халқ ўйинлари номланишидаги ономастик қонуниятларнинг мотивацион жиҳатлари очиқ берилган. Халқ миллий ўйинлари мажмуига уларнинг байрамлари, тантана ва анъаналари маросимлари ҳам кирган. Бундай ўйин ҳамда маросимларда рақслар ҳам ижро қилиниб, улар мазмунида ибтидоий одамлар ўз ҳаётларидаги воқеаларни, ютуқлари ва муваффақиятсизликлари, шодликлари ва қайғуларини ифодалашган.

Калит сузлар: халқ ўйинлари, Инсоният жамияти, тараққиёт, мотивацион жиҳатлар,

Инсоният жамияти тараққиётининг илк поғоналарида кишилар халқ ўйинларидан тарбиявий мақсадларда фойдаланиш унумли меҳнат билан шуғулланишган. Халқ ўйинларининг мазмун-моҳияти ва характери ҳақиқий ва аччиқ ҳаётнинг ижтимоий-иқтисодий шароитларидан ва таркиб топаётган элатларнинг лингво-психик хусусиятларидан келиб чиққан. Уларнинг характерига яратилган давридаги таълим-тарбия тизимидаги мақсад ҳамда вазифалардан келиб чиққан ҳолда бундай ўйинларнинг мазму-моҳияти, яъни қонун-қоидаларию номланиши ўз муҳрини босганки, бу ҳолат ўша халқнинг ижтимоий турмушининг йўналиши, мафкураси, турмуш тарзининг индивидуал бетакрорийлиги билан таъсир этган.

Биламизки, тарихий тараққиёт жараёнида ўзбек халқ миллий ўйинларининг тадрижий ривожланиши ва улардан тарбиявий мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бир қанча масалаларни кўриб чиқишда уларнинг ўзига хос жиҳатларини назарда тутиб иш лозим. Шу ўринда халқ ўйинларидан бири бўлган шахмат тўғрисида тўхталсак. У асосан, шарқда, аниқроғи, Ҳиндистонда яратилган ақлий, психик хусусиятли ўйинлардан бири

ҳисоблаган. Қаранг, Амир Темур ҳар бир жанг вақтида қўшинлари жангга кириши билан энг зўр шатранжи – шахматчи билан биргаликда шахмат ўйнар экан. Яна қаранг, бизда, яъни Шарқда яратилган ушбу ўйиннинг мазмунию моҳиятини Европада тушунишмаганки, немисларга асир тушган бизнинг аскарлар сўроқ ва қийновларда ҳаёлий шахмат ўйнаб, ўзларининг айбсиз деб хулосага келишларини асослай олишган. Натижада, бир қанча асирлар немис офицерлари томонидан оқланишга мажбур бўлинган. Бунда, албатта, ўша ўйиннинг халқ вакилларига миллий ўйин тарзидаги тарбиявий таъсири билан биргаликда оддий воқелик ҳолатидаги таъсири бошқа-бошқа нарсалардир.

Шуни унутмаслик лозимки, халқ ўйинлар халқ томонидан яратилган ва улар кишиларнинг кундалик ҳаётидаги воқеалар ҳамда ҳодисаларни образли тарзда акс эттирган. Уларнинг ҳаётий таассуротларини, кузатишларини, тажриба ва ҳиссиётларини ўйинлар мазмун-моиятида гавдалантириб, ўзларида ҳам сўз, ҳам мусиқа, ҳам рақс шаклларини мужассамлаштириб, бир бутун ҳолда таълим-тарбия тизими воситасига айланган. Масалан, ибтидоий жамоа тузумда болаларни тарбиялашнинг характерли жиҳати уларни уруғнинг урф-одатлари, анъаналари, тарихи билан шунингдек, халқ оғзаки ижоди: ривоятлар, қўшиқлар ва рақслар билан таништиришдан иборат бўлган.

Шунинг учун ҳам ибтидоий жамиятда ёшларни катталар сафига қўшиш деб аталадиган байрам-диний маросимлар кенг тарқалган. Булар ўзига хос ўйин-мусобақалардан иборат бўлиб, уларнинг мазмунини меҳнат фаолияти, қабилаларнинг урф-одатлари, удумлари, халқ оғзаки ижодининг жанрлари ташкил қилган. Мана шундай ўйин мусобақаларда йигитлар қуроллардан маҳоратли фойдалана олишларини, диний одатларга қониқарли ҳолатларда амал қила олишларини, уруғ-қабилаларнинг муқаддас саналган ривоятларини билишларини намоёиш этишлари лозим бўлган.

Шунинг учун ҳам арабларда одам бошқарувидаги туялар мусобақаси бизлар учун оддий воқеа бўлса, араблар учун ҳам ўйин, ҳам байрам ҳисобланганлигининг ўзи халқ миллий ўйинларининг аҳамияти ва таъсирини англатади.

Қадимги ҳамонларда ибтидоий одамларнинг ёввойи ҳайвонларни овлашлари ва уларни ўзларига бўйсундиришга интилишлари ов воқеаларини ижод қилишларига ва уни ижодий намоёиш этишларига эҳтиёж туғдирганлиги табиийдир.

Жамият тараққиёти билан ундаги ишлаб чиқариш кучларининг тобора ривожланиши, меҳнат қуролларининг такомиллашуви ибтидоий жамоа тузимининг сўнгги босқичларида болаларнинг ана шу меҳнат қуролларидан оддий турмуш ва унумли меҳнатда аввалгидек фойдалана олмаслигига сабаб бўлгани учун ўйинларнинг янги воситалари яратила бошланган. Шу туфайли болалар ўйинчоғига ўхшаган меҳнат қуроллари ясала бошланганлиги маълум даражада ўша тарихий давр учун ўринли жараёнлардан биридир.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Тошкент, Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2006. –Б.10.
2. Ф.Н.Насритдинов, А.Ш.Қосимов Ўзбек миллий миллий ўйинлари. Тўплам. –Тошкент,1993. –Б. 6-7.
3. А.Т.Расулев, А.А.Пўлатов, М.У.Қосимова Ўзбек миллий ўйинлари уларнинг таснифи ва тавсифи. Ўқув қўлланма. -Тошкент, 1996. –Б.
4. Ҳабибулла Ғафур. Миллий ўйинлари, қўшиқлари ва анъаналарига бир назар. –Тошкент: Камалак, 1992. –Б.5-42.
5. Былеева Л.В., Коротков И.М. Подвижные игры. -Москва: Физкультура и спорт, 1982. -С.111-147.
6. Эназаров Т.Ж. Ном қўйиш ҳам санъат // Нутқ маданияти масалалари. Илмий тўплам. -Тошкент., 1993. 227-228 б.
7. Bakhtiyarovna Y.G. Degree and relationship of increasing the creative activity of students of technical higher education in the process of teaching foreign languages //American Journal of Interdisciplinary Research and Development. – 2022. – Т. 10. – С. 152-156.
8. Yakhoeva G. Retrospective analysis of the development of student's creative activity in education and cognitive activity //Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 6. – С. 92-94.
9. Bakhtiyarovna Y.G. Degree and relationship of increasing the creative activity of students of technical higher education in the process of teaching foreign languages //American Journal of Interdisciplinary Research and Development. 10 (2022): 152-156.
10. Bakhtiyarovna Y.G., Muradkozievna R.D. The role of field-related terms in the development of students 'creative activity //International Journal of Early Childhood Special Education. – 2022. – Т. 14. – №. 7.